

ЎЗБЕКИСТОН

ОҶОҶИ

ЎЖИМОИЙ-
СИЙОСИЙ
ҒАЗЕТА

■ 2004-ҲИЛ ■ 18-МАЙ ■ ШЕШАНБА ■ 60 (27.235) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари томонидан шу кунларда меҳнат жамоалари, ўқув юртлири, маҳаллалар ва ҳарбий қисмларда учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Олий Мажлис депутатлари, ХДП фаоллари, олимлар ва ижодкорларнинг фуқаролар билан бевосита суҳбатлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, миллий истиқлол ғояси, парламентда қабул қилинаётган янги қонунларни кенг тарғиб қилиш ва тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси Машкура Сафоёва, «Гулистон» журнали бош муҳаррири, шоир Азим Суён, ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши етакчиси Дониёр Азизхўжаевлар Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳамда 12-мактаб ўқитувчи ва юқори синфлар ўқувчилари билан учрашдилар.

Меҳмонлар учрашувлар иштирокчиларига юртимиз сиёсий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, Олий Мажлисининг XIV сессияси якунлари ҳамда Президентимиз И.А.Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти, оғоҳлик ва ҳушёрлик тўғрисидаги даъвати ҳақида батафсил гапириб бердилар. Шунингдек, яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий тадбир — мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларнинг тартиб-қоидалари, Ўзбекистон ХДП фаолияти ҳақида тушунтиришлар берилди.


Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Ватан ҳимоячиларини ва ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини тингладилар. Қизгин савол-жавобларга уланган шеърхонлик учрашув катнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

(Ўз муҳбиримиз)



СИЁСАТ, САЙЛОВ ҲАҚИДА МУЛОҚОТЛАР

ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ УЧРАШУВЛАРИ ҚИЗГИН САВОЛ-ЖАВОБЛАР БИЛАН ЎТМОҚДА



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бир гуруҳ фаоллари подполковник С.Муйиддинов командирлик қилаётган Ўртачирчиқ туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб, Ватан ҳимоячилари билан учрашдилар. Иқтисод фанлари доктори, профессор Қ.Одилов, ХДП МК маслаҳатчиси В.Абдусамодов ҳамда партия

Тошкент вилоят кенгаши котиби М.Тоировлар аскар ва офицерларни юртимиз сиёсий ҳаётига оид аниқликлар, Олий Мажлис XIV сессияси якунлари, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти билан таништирилди.

— Аскарлар учун сиёсий тафаккур жуда муҳимдир. Бу каби учрашувлар эса ана шу тафаккурнинг шаклланишида,

аскарлар сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги ошишида муҳим ўрин тутди, — дейди 1-мотоўқчи взвод командири, катта лейтенант И.Қаландаров.

— Тўғриси, сиёсий партиялар ҳақида унча тасаввурим бу қизиқишим ҳам йўқ эди. Ўзбекистон ХДП вакиллари билан учрашув эса фикримни ўзгартирди. Улар орқали мам-

лакатимиз сиёсий жараёнлари ҳақида ҳам анчагина маълумотга эга бўлдим, — деди андижонлик оддий аскар А.Холбоев.

Қизгин савол-жавоблар тарзида ўтган учрашув иштирокчилари бу каби самимий суҳбатлар яна ташкил қилинишига умид билдириб қолдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

ТОШКЕНТ (ЎзА муҳбири О.НОРБЕКОВ). Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида «Виждон эркинлиги ва бағрикенглик: халқаро ва миллий таъриб» мавзусида давра суҳбати бўлди. У «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги тадбирдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов бошқарган анжуманда виждон эркинлиги ва бағрикенгликнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлашдаги аҳамияти ниҳоятда катта экани таъкидланди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлар ва конфессияларо ҳамкорлик ва ҳамжихатликни таъминлаш борасида гоят катта ишлар амалга ошириляпти. Халқимизга хос бағрикенглик юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Очiq мулоқотлар чоғида ёшларни турли зарarli ғоявий оқимлар, айниқса, терроризм ва таъвозуқорликни тарғиб қилувчи таъйимотлар

таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларимиз онгу шуурида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, эл-юрт тақдирини ва истиқболига дахлдорлик, дийримида қарор толган ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва ҳамжихатликни қадрлаш туйғусини тарбиялаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда бу борадаги ишларни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқида белгиланган вазифалар асосида янада такомиллаштириш муҳим эканлиги қайд этилди. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро — миллати, этники, жамиятдаги ўрни ва макенидан қатъи назар — содир бўлаётган воқеаларнинг мазмун-моҳиятини теран англаб етмоғи, ёвуз қиёфасини намоён этаётган террорчиликка қарши курашнинг олдинги сафига бўлимоғи даркор.

Анжуман иштирокчиларининг ақлий фикрига кўра, халқаро майдонда юзага келган бугунги кескин вазият динларнинг халқлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, зўравонлик, қўрқунувчиликни қатъий қоралашга қаратилган асл моҳиятини тўлароқ намоён этишини талаб этмоқда. Зеро, диний экстремизмнинг умуминсоний кадриятларга асосланган ҳақиқий эътиқод билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов сўзга чиқди.



ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА Ўзбекистон ХДП Зарафшон, Асака, Хонобод, Корасув шаҳар, Булоқбоши, Жалақудук, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Олтинқул туман кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилинди, МК VII пленуми қарорларини бажаришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, Олий Мажлис XIV сессиясида Президент И.А.Каримов томонидан сиёсий партияларга нисбатан билдирилган фикрлар асосида диққат-эътиборни жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари

ни таъминлашга кўмаклашиш каби масалаларга эътибор қаратилди. Партия кенгашлари биринчи котиблари ушбу мавзу юзасидан маъруза қилар экан, ўз ташкилотлари фаолиятини танқидий баҳолаб, уларнинг ишчанлигини ошириш мақсадидаги тақлиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Муҳожамада сўзга чиққанлар терроризм, диний экстремизм каби иллатлар, улардан ёшларни асраш, жойларда оғоҳлик ва ҳушёрлик мавзусига оид тадбирларни ўтказишга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини таъкидладилар.

Хонобод шаҳар ва Жалақудук туман партия кенгашлари пленумларида ташкилий масалалар кўрилиб, Ф.Зокиров, С.Азизов мазкур партия ташкилотлари биринчи котиблари этиб сайландилар.

Денов туманидаги С.Рахимов номи ширкат ҳўжалиги бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши

булиб ўтди. Қизгин ва фалоллик руҳида ўтган йиғилишда партия ташкилоти етакчиси Ж.Жонқобилов БПТнинг фаолияти ҳақида ҳисобот берар экан, ҳўжаликда ижтимоий соҳаларнинг ривожланиётганлиги, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига жиддий эътибор берилаётганлигида бошланғич партия ташкилотининг ҳам жиссаси борлигини асослаб берди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши кун тартибиде қўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, туман партия конференциясига делегатлар сайланди.

Худди шундай ҳисобот-йиғилишлари **Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Қўқон шаҳри, Хива ва бошқа туманлар** худудидеги кўплаб ташкилот, қорхона ва муассасалар бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРАДИГАН ҚЎШИҚЛАР...

Кеча Сурхондарёнинг тоғли Бойсун туманида «Бойсун баҳори» III халқаро фольклор фестивали тантанали очилди

Сурхон воҳасининг афсонавий гўшаларидан бири, қадимий ва гўзал табиати, осмонлаш чўққиларга эга тоғли Бойсун халқининг бетакор санъатига ЮНЕСКО томонидан бежиз катта баҳо берилмади. Бойсун санъати «Инсоният озаки ижоди ва номоддий дурдонаси» деб эълон қилинган.

Минг йиллик чинорлари бўй чўзган бу мўъжаз маконда яшовчи одамларнинг фазилати ҳақида тўхталинган, чиндан фахр-ифтихор дилингизни чўлгайди. Негаки, бу заминда яшовчи бирорта одам йўқки, куй-қўшиққа, рақсга, адабиётга қизиқмас. Ҳақиқий санъат шайдонлари, маданият фидойилари яшайди, десак муболага бўлмайди.

Бойсунга оқшом тушаётган пайт, тоғларга тутшиб кетган 2,5 минг кишилик очiq амфитеатрда «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалининг очилиш маросимини Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари П.Танг-

риев кириш сўзи билан очди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Барри Лейн жаноблари ўз сўзида шундай деди:

— Ҳар йили Бойсунда ана шундай гўзал Халқаро фестиваль ўтказилишининг ўзиёқ, аввало, юртингиз санъатининг гўзал ва тақорланмас ҳосиласидан бутун дунёни баҳраманд этиш ҳамда дунё халқларининг ноёб санъатини намойиш этишдек эзгу ниятлар муассаслашганлигини таъкидлаб ўтиш қувончли.

Бу йилги фестивалда Германия, Швейцария, Шотландия, Япония каби ўнлаб хоржий юртлардан ташриф буорган фольклор санъати мухоблари қатнашишавпти. Ушбу санъат байрами 20 майга қадар давом этади. Бир-биридан гўзал ўйнақчи қўшиқлар, сеҳрли куйлар дунёни лол қолдирмоқда...

Абдурашул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

АНЖУМАН ҲАМКОРЛИКДА ТАЖРИБА ОШИРИЛАДИ

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳозирги вақтда рақобат сиёсатига оид жаҳон тажрибасини ўрганишга, кадрлар малакасини оширишга қаратилган малака ошириш ва ўқув курсларини ташкил этишга ҳамда бу борада хориж мутахассислари билан тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш лозимки, республика монополияга қарши давлат органлари ходимларида япониялик ҳамкасблар билан тажриба алмашиш алоҳида қизиқувчан йўл бўлмоқда. Мамлакатимизда JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) ваколатхонаси мавжудлиги бу борада доимий ҳамкорлик олиб бориш имкониятини беради. Ана шундай ҳамкорликнинг самараси ўлароқ яқинда қўмита ва унинг худудий органлари ходимлари малакасини оширишга қаратилган «Рақобатни ривожлантириш сиёсатини республика ва хорижда қўллаш амалиёти» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда JICA кўмагида Японияда малака оширишда бўлиб, қонунчилик ва амалиёт бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиб қайтган қўмита ходимлари маърузалари тингланди. Марказ директори А.Қўчқоров «Рақобат тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасининг асосий мазмун ва моҳияти билан тингловчиларни таништирди.

Кадрлар малакасини ошириш борасида JICA билан қилинган ҳамкорлик самарали натижалар бериши шубҳасиз.

Равшан ШОДИЕВ

Кўхна тарих гувоҳ: оби ҳаётнинг қадрини сарбаланд тутган халқимиз. Илму урфон эгалари дарёлар тақдирини бағишлаб асарлар яратганлар. Мухаммад Мусо ал-Хоразмий ўзининг 847 йилда ёзилган «Китоб сурат ал-арз» китобида: «Билинги, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариг тутмангиз...» деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, дарёлар инсониятга тириклик манбаи бўла туриб, гоҳо ўзлари бизнинг меҳр-шафқатимизга муҳтожлик сезадилар.

Болаликда, Сирнинг бўйида яшаганимиз учунми, кўп соҳилга борардим. Асов тўқинларини томоша қилишни яхши кўрардим. У ёш гўдақдай эрқаланиб-эрқаланиб кумлоқ қирғоққа урилар, сўнг ортага қочарди. Гоҳо дарё хайқиригидан юракка ваҳм тушарди. Нега дарё тошади, тинч оққан сув тубида нега пўртаналар галаён қилади, нега дарё шуларсиз, жимгина «яшай» олмайдими? Билмасдим. Рост, бугунгача шуни аниқ билмайман. Сирни соғиндим, Хайдарқўл, Арнасойни кумсадим, юрак ёзиш учун бордим, узоқ кездим, энди унинг сатҳи саёз, кумлоқ соҳили кичрайган, гўё у сал мунглидай.

Бугун у бошқача, қандайдир ғамгин, ўз муаммолари гирдобиде эврилиб оқаётгандай. Қайтдим. Уларим тинчлик бермади. Сирдарёнинг бугунги муаммолари нима? Сир худудидеги сув иншоотларининг бугунги аҳоли қандай?

Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти директори, техника фанлари доктори Эрназар МАХМУДОВ билан суҳбатимиз шу ҳақида бўлди.

— Эрназар Махмудович, Сирдарё ўзани саёзлашувининг сабаби нимада? Умуман, ўзига хос «Фельд-атвори», қолаверса, нега уни мураккаб дарё ҳам дейишайди?

— Сирдарё Марказий Осиёдаги энг узун дарё — 2790 километр. Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёларнинг қўшилиш нуктасидан то Орол денгизига қуюлиш нуктасигача 2137 километрик масофани босиб ўтади. Бир йилда шаклланидиган сув микдори 35 миллиард метр кубдир, унинг суви трансчегаравий бўлиб, 4 та давлат — Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва

яна Ўзбекистон, сўнгра Қозғистон худуди бўйлаб оқиб, Оролга бориб қуюлади. Унинг ўзига хос хусусияти, бир қисми тоғ, иккинчиси тоғ ён бағри, учинчи қисми текислик ердан, ҳар хил иқлим шароитлардан оқиб ўтади. Об-ҳаво мураккаб келган кезлари юқори қисмида муз зриши тезлашса, қуйи — Қозғистон чегарасидан ўтадиган 800 минг метрик масофасида нишаблиги паст узундан оқиб, сув қалин муз билан қопланади, тезда эримайди, шу тариқа «муз тўғон»лар тошқинларни келтириб чиқаради. У мураккаб йўлни босади. Фельд чатоқлиги, ўзанини ҳам

таъкидлади. Дарёнинг ана бир фельди ўзи биланча яшайди, бизга суви бермакми-йўқми оқаверади. Сирдарёнинг 68 фойз шаклланидиган суви сўғорма дехқончилик учун зарур, яъни усимликларнинг вегетация даврида, қолган 30-32 фойзи киш, эрта баҳор, кеч кузда, яъни сувга эҳтиёж кам, «кераксиз» даврда оқади. «Кераксиз» даврдаги сувдан самарали фойдаланиш мақсадида Сирдарё худудиде гидротехник иншоотлар, сув омборлари қурилади. Маълумки, Марказий Осиёни шимол билан боғлаш учун қурилган темир йўлнинг Қизил Урда томондан Қазаленскача бўлган қисми Сирдарё бўйлаб ўтган. Сирдарё тошиб ана шу темир йўлларини ювиб кетаверган, 1956 йилда Қайроқум, 1965 йилда Чордара, 1976 йилда Тўхтағул сув омборлари қурилди.

2-сеп

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ БАНКИ

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONIGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORIGIZ FAYZI

Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Бугунги кунда Европа — Кавказ — Осиё халқаро транспорт йўли, яъни ТРАСЕКА Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Руминия, Тожикистон ва Туркияни бир мақсад йўлида бирлаштириб турибди. Дастлаб бу лойиҳа 1996 йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Грузия, Озарбайжон давлатлари ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида шартнома ҳамда транспортда юк ташишни йўлга қўйишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланганидан кейин кучга кирди. Орадан бир йил ўтиб, битимга Қирғизистон қўшилди. Сўнгра Украина, Қозоғистон, Арманистон ва Болгария бу лойиҳада иштирок этиш истагини билдирди. Шу тариқа ТРАСЕКА дастурига қизиқиш ортиб, аъзо давлатларнинг санои кенгайиб бораверди.

Аслсида Европа — Кавказ — Осиё транспорт тизимини яратиш гоёси, 1993 йилда Брюсселда бўлиб ўтган халқаро конференцияда тузилган бўлиб, бу Европа Иттифоқининг стратегик мақсадларига мос эди. Шубҳасиз, бу мақсадларнинг кам-

рови кенг. Мураккабликка эришган давлатларнинг Европа ҳамда жондор бозорларига чиқишлари учун муқобил транспорт йўллари яратиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш, дастур қатнашчилари бўлган давлатларнинг минтақавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, Европани Кавказ орқали Осиё билан боғлайдиган йўлнинг халқаро мижёсида интеграцияга киришувига қўмақлаш кўзда тутилган мақсадлар ичида энг асосийларидир.

Албатта, бундай лойиҳани халқаро молия муассасаларини ҳамда хусусий сармоядорларни жалб этмасдан амалга ошириб бўлмайди. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишга техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича жалб этилган халқаро молия муассасалари орасида жумладан, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки, Ислон Тараққиёт Банки бор. Бутун дастур бўйича темир йўллар, автомобиль йўллари ҳамда денгиз портларини ривожлантиришни лойиҳалашга жами 1,7 миллиард евро ажратилди. Шунингдек, транспорт компаниялари билан боғлиқ қўшма корхоналарни ривожлантиришга хусусий сармоядорларнинг маблағлари жалб этилди.

ТРАСЕКА халқаро аҳамиятга эга лойиҳа бўлгани учун БМТнинг тегишли тизимлари унинг бажарилиш жараёнини кузатиб боришмоқда. Биргина темир йўл транспортини оладиган бўлсақ, бу тармоқнинг инфратизимларини яратишга

ТРАСЕКА — Буюк ипак йўли

ҚАЙСИ МАМЛАКАТЛАР ХУДУДИДАН ЎТАДИ, УНИ БАРПО ЭТИШДА ЎЗБЕКISTONNING ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ БўЛАЯПТИ?

Йўналтирилган маблағлар асосий темир йўллар ва деполарни таъмирлашга, Кавказдаги темир йўллари қайта тиклашга, Боқуда темир йўл шестерналари ювладиган станция қуришга, Арманистондаги темир йўл тизимларини такомиллаштиришга, Грузиянинг Поти портини ҳуқуқлар билан жўзлашга ва бошқа юк ташишни изчил йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларга сарфланади.

Европани Кавказ орқали

Ўзбекистон ва жаҳон

Осиё билан боғлайдиган бу халқаро транспорт иншооти «Буюк ипак йўли» деган ном ҳам олди. Чунки, бу йўлнинг савдо-сотиқ ҳамда алоқалар қамрови қадимги Буюк ипак йўлини эслатади. Европа давлатлари Хи-

бтун Европанинг транспорт тармоғига уланади. Натижада халқаро юклар ташишда Россия худудини четлаб ўтиб, месофони бир неча минг километрга қисқартириш имконини беради.

рок этишди. Конференция ишида минтақадар транспорт тизими тармоғини янада кенгайтириш, транзит юклар ташишининг шарт-шароитларини яхшилаш, янги коммуникация тармоқларини очиб, денгиз сув йўллари ривожлантириш масала-

қўйишда, шунингдек, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этажаги таъкидлаб ўтилди.

Орадан бир йил ўтиб, яъни 2003 йилнинг май ойида Тошкентда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Директорлар Кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Бу анжуманда ҳам ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар тилга олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мазкур халқаро анжуманда сўзлаган нутқда, янги, кўп вариантли коммуникация ва транспорт, шу жумладан, автомобиль ва темир йўл тармоғини яратишга эътиборни қаратар экан, жумладан, шундай деди:

«Ушбу тармоқлар келгусида Хинд, Атлантика ва Тинч океанларнинг муҳим портларига чиқиш имконини берадиган ягона, ўзаро боғланган транспорт коммуникациялари тизимига айланиши лозим». Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу йўналтирилган муваффақиятли амалга ошириш минтақаларо савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Буюк ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлади.

Буюк ипак йўли қайта тиклана-

ётганлигига Афғонистон билан Эроннинг ҳам қизиқиши ортиб борапти. Афғонистонда ташқи ишлар, транспорт ва ташқи савдо вазирликлари вакиллари билан иборат махсус комиссия хозир мамлакатнинг ТРАСЕКА дастурига қўшилиш имкониятларини ўрганмоқда. Эроннинг транспорт ва темир йўллар вазирлиги ҳам бу масала билан жиддий шуғулланиб, дастурга қўшилиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон бу дастурда қатнашар экан, ҳамisha амалдаги ишлари билан иборат кўрсатяпти. Буюк ипак йўлининг мамлакатимиз худудидан ўтган қисми фойдаланиш учун яроқли, аввало, автомобиль йўлларидаги ишлар ниҳоясига етказилди. Биз Қирғизистон худудидан ўтган қисмини қуришга ёрдам бераётимиз. Афғонистон худудидан Ўзбекистон томонидан қуриб битказилган ўн битта кўприк ва қурилаётган йўллар ҳам Буюк ипак йўли таркибига кирилади. Демак, Ўзбекистоннинг ТРАСЕКА дастуридаги иштироки гоётда салмоқли.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сийбий шэрҳовчи

ЎЗБЕК ОЛИМАСИНИНГ ДОВРУФИ

Лугат тузиш қанчалик машаққатли бўлса, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳам шунчалик мушкул иш. Заҳматқаш олимларгина лугатларни ўрганиб, ўтмиш аждодлар меҳнатига тўғри баҳо бера олади. Лугатлар инсоният ҳаётида авлодларни бир-бирига боғлаб турувчи маърифий-маънавий ҳазина. Улар бизга қадимда ота-боболаримиз ишлатган сўз ва иборалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Лугат қанча қадимий бўлса, унинг қадри шунча юқори бўлади.

Дилором Файзулла қизи, мана олти йилдики, Хиндистонда яшаб, Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонаси директори доктор А.Бедор тақлифи билан Бобурийлар яратган ўзбекча-форсча, форсча-ўзбекча лугатларни ўрганмоқда. Олима бу йиллар давомида иккита катта ишни амалга оширди. Биринчиси, ота-боболаримиз яратган тўқсон тўртта икки ва кўп тили лугатларни ўрганиб, уларга илмий тавсиф берди. Илмий тавсиф бериш ўта машаққатли иш. Унда лугатнинг қозғоли, яратилиш йили, хати, тузилиш тамойиллари каби мураккаб жараёнлар муҳассаслашган. Тўғри, улар ичида катта лугатлар билан бирга бир неча бетдан иборат қўлланмалар ҳам бор. Аммо улардан қатъи назар олима халқимиз учун бу бебаҳо манбалар ҳақида биринчи марта тўлиқ маълумот беришга муваффақ бўлди. Дилором Файзулла қизининг иккинчи иши, яъни лугатчиликка қўшган ҳиссаси — унинг Хиндистонда нашр этилган «**Лугати туркий ва форсий ва арабий ва хиндий ва истилоҳи Шустар ва гайра**» тадқиқоти бўлди. Олима Худобахш кутубхонасида сақланаётган муаллифи номаълум, кўп тилили ушбу лугатни ўрганиб, уни илмий жиҳатдан юқори савияда нашр эттирди. Буни лугатга сўз боши ёзган Муҳаммад Зиёвуддин Ансорий ҳам таъкидлаган. Дилором ушбу лугатда изохланган тўрт юз ўттизта сўзни «Фарҳанги зафарнама ва жаҳонпоя», «Нурул лугат», «Гриёсул-лугат» каби нодир қомуслар, шунингдек, Али Акбар Деххудо лугати, доктор Муҳаммад Муъиннинг «Фарҳанги форсий» лугати, «Форсча-инглизча лугат», «Арабча-инглизча лугат», «Ўзбекча-инглизча лугат»даги сўзлар билан муқояса қилиб, улар орасидаги маъно фарқларини кўрсатиб берди.

Олима ҳар бир сўзни изохлар экан, уларни юқорида номи зикр этилган мўтабабар лугат маълумотлари билан тўлдирган. Натижада мукамал лугат-мақола ҳосил бўлган. Лугат-мақола таркиби қуйидагилардан иборат: сўзнинг фонетик тузилиши, унинг шакли ва маъноси, тасдиқловчи мисол. Сўзнинг товуш тузилишига оид маъ-

лумотлар ўзбек ва умуман форс, араб, ҳинд тиллари тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Бу бизга у ёки бу сўз қадимда қандай талаффуз қилинганлиги ҳақида қимматли маълумот беради.

Лугатшунос «қизил» сўзининг изоҳида унинг орфография ва орфоэпиясига оид қуйидаги маълумотларни келтиради: **ба қасри аввал ва қасри зои муъжама сурх**. Бу маълумотлар бизга биринчи бўлиб «и» ва нуктали «э» ундоши ҳам шундай унли билан ўқилиши лозимлигини кўрсатади. Яна бир мисол. «Йахши» сўзини араб ёзувида «йухши», «йиҳши», «йўхши» қилиб ўқиш мумкин. Лугатшунос бу сўзни хато қилмасдан айнан «йахши» қилиб ўқилиши учун унинг товуш тузилишига оид маълумотни келтиради:

Ушбу лугат ўзбек халқи тарихи учун ҳам кўп маълумотлар беради. Масалан, «қоқ» сўзи ҳақида ўқувчи шундай маълумот олади: **қоқ — лафзи туркист ва маъний гўшти хушк**. Бу маълумот бизга қадимда ота-боболаримиз музлатгич бўлмаган замонда гўштни қотириб қўйиб истеъмол қилганлиги ҳақида маълумот беради.

Еки бўлмаса «шапапоқ» сўзини олайлик. Асли ўзбекча деб таъкидланган бу сўз қадимда хозиргидай беш панжа билан юзига урмоқ маъносини англатган. Лугатшунос турк тилидаги сўзларни турки румий ва Ўрта Осиёдаги ўзбеклар тилини турки шарқий ва мўғулий деб кўрсатади. Лугатда ҳар иккала минтақадар сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ кўрсатиб берилган, бу тарихий шевашунослик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лугатда элат, қабил маъносидagi «ўймоқ» атамаси ўзбеклар тилига оидлиги ана шу белги билан кўрсатилади: ўймоқ — лафзи турки шарқий ва мўғулий ва маъний эл ё тоифа.

Лугат маълумотлари вақт ўтиши билан айрим сўз маънолари ўзгарганлигини кўрсатади. Чунончи, «шалтоқ» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» маълумотларига қараганда уч маъно англатади: 1. Хўл гўнг, балчиқ; 2. Ивирсиқ, ифлос иш тутадиган; 3. Айб, гуноҳ, жиноят.

Қадимда бу сўз кучли ва куч маъноларида ишлатилган: шалтоқ, яъни забардаст. Ушбу келтирилган бир неча мисоллар Дилором Файзулла қизи Каромат тадқиқ қилган лугатнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Биз олис Хиндистонда туриб, ўзбек лугатчилик ишига баракали ҳисса қўшаётган Дилоромхонга бундан кейинги ишларида муваффақият тилаб қоламиз.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори

Финляндия кўчаларида.



НАЗАРБОВ ЯНА НОМЗОДИНИ ҚўЙМОҚЧИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 2006 йилда бўладиган президент сайловида яна номзодини қўймоқчи. Республика телеканалда жума кuni бўлиб ўтган тўғридан-тўғри эфир чоғида телетомошабинлар саволларига жавоб бериб, бу ҳақда ҳам тўхталиб ўтди. «Конституция ва қонунга кўра, кейинги сайловда ҳам номзодимни қўйиш ҳуқуқига эгаман. Агар халқим менга ишона ва яна қўллаб-қувватласа, мустақкам давлатчилик ва қозоқлар фаровонлиги йўлида хизмат қилишга тайёрман» деди у.


Назарбоев 1999 йилги умумхалқ сайловида мамлакат президентлигига сайланган. Қозоғистон Конституциясига кўра, Президент 7 йил муддатга сайланади, шу билан бирга бу лавозимга икки марта сайланиш ҳуқуқига эга.

ИМПИЧМЕНТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Жанубий Корея Конституциявий суди мамлакат Президенти Но Му Хенни яна қайта ўз лавозимига тиклади. Маълумки, бундан икки ой муқаддам мамлакат парламенти Но Му Хенга нисбатан импичмент эълон қилган ва Миллий Ассамблея қарорига кўра, 12 мартдан эътиборан президентлик вазифасидан четлатилган эди.

Депутатлар уни сайлов жараёнидаги хатоликлари учун, яъни расмий ваколатли раҳбар бўла туриб, ўз партияси («Йоллин уридан»)ни қўллаб-қувватлаганликда (бундай қилиш қонун бўйича тақиқланади) ва порохурликда айбланган. Конституциявий суд эса Но Му Хенни айблов учун асослар етарли эмас, деб ҳисоблади. Суд мажлиси мамлакат телевидениесида тўғридан-тўғри намуна эмитиди, дея хабар беради АРР агентлиги.

КУН ТАРТИБИДА ЯНА ЯДРО МУАММОСИ



Корея ярим оролидаги, аниқроғи, Шимолий Кореядаги ядро муаммоси бўйича олти томонлама музокараларни ташкиллаштирувчи ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси Пекинда бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Шимолий Корея делегацияси Пекиндаги элчиликда журналистлар учун брифинг уюштирди. Делегация вакилининг айтишича, ишчи гуруҳининг кейинги мажлиси қачон ўтказилиши ҳақида бирор тўхтама келингани йўқ. Бу дипломатик каналлар орқали келишиб олинади. Энг асосий ишчи гуруҳи мажлисида иштирок этган томонлар (АҚШ, РФ, ХХР, КХДР, Япония ва Корея Республикаси) вакиллари ядро муаммоси бўйича ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги музокараларнинг учинчи босқичини шу йил июнь охирида ўтказишга келишиб олдилар. Унча ишчи гуруҳи яна бир бор йиғилиб, музокараларга тайёргарлик кўриш бўйича иккинчи мажлисини ўтказди. Бу ҳақда Япония делегацияси маълум қилди.

Ушбу мажлисда АҚШ делегацияси КХДРни уранин бойитиш дастури бўйича технологияларни Покистондан олиб келаётганликда айблади. КХДР эса буни бутунлай инкор этмоқда, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.


ТЕЛЕБОШЛОВЧИЛАР УЧУН

Хитой мамурияти мамлакат телевидениеси бошловчилари учун айрим таққиловларни жорий этди, яъни ёқаси очик ва энги йўқ кўйлақларни кийиб, ёки сочларини сарик ва кўнйирга бўяб эфирга чиқиб, эфир пайтида «О, кей», «бай-бай» сингари хоржий «крутой» сўзларни қўллаш мумкин эмас. Мақсад — эфир орқали ёшлар тарбиясига миллий руҳ олиб кириш, ахлоқсизлик, эўравонлик, ғарбча мафкура сингари салбий таъсирларга чек қўйиш. Умуман телеэкранларни ғарблашган кури-нишлардан тазалаш асосий йўналишидир. Daily Telegraphда ёзишларича, эркак бошловчилар қора костюм-шим, оқ кўйлақда, аёллар эса ёқали ва энгли кўйлақда эфирга чиқиши лозим.

Баркамол авлод орзуси



ФАРФОНИЙ ВОРИСЛАРИ



Бувайда туманидаги Аҳмад ал-Фарғоний номи 2-вилоят лицейи Фарғонда аллақачон машҳур бўлган. Фарзандини шу масканда ўқитмоқчи бўлган ота-оналар жуда кўп. Чунки бу илм масканини таъминлаган аксарият ўқувчилар олий ўқув юртларида тахсил олмақдалар.

Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътибор берайлик. Ушбу лицей-интернатнинг илк қалдирғочлари бўлган (1997 йил) 51 нафар йилит-қиздан 48 нафари уша йили олий мактаб талабалари бўлишган. Бу ютуқлар кейинги йилларда ҳам ўз мавқени сақлаб қолди. 1998 йили 48 битирувчидан 46, 1999 йили 105 тадан 95, 2000 йили 62 тамомловчидан 56, 2001 йили 100 тадан 95 нафари турли олий ўқув масканлари талабаси бўлишди. 2002-2003 йил кўрсаткичлари ҳам аввалги йиллардан паст эмас. Ташкил этилганга ўн йилдан ошган ушбу билим маскани қисқа даврда кўплаб истеъдодларни кашф этди. «Менинг қалбим» шеърий китобчаси муаллифи Аббор Отақўзиёв, рус тилидан рес-

ўқишга ва ўқитишга бўлган фидоилиқдир.

— Ўқувчиларимиз ўртасида кучли соғлом рақобат юзага келганки, улар илмга чанқоқликда бир-бирларидан қолшмайди, — дейди лицей-интернат директори Абдужалил Султонов. — Табиийки, бундай талабчан ёшларга номини дурс бериб бўлмайди. Буни яхши тушушган муаллимларимиз ўз устларидан тинмай изланишади. Ёш авлодга сабоқ беришни шунчаки иш деб билмайдиган, ўз касбига бутун ҳаётини бағишлаган Аскарали Имомов, Абдужаббор Маназаров, Каримжон Турдиматов, Эсонбой Норматов, Шаробиддин Йўлдошев, Акрамжон Эгамназаров, Шавкатжон Худойбердиев, Давлатжон Меликузиев, Мухторжон Ёқубов каби муаллимларимиз оддий тумандаги кичик бир билим маскани доврўғини бутун республикамизга ёймоқдалар.

«Инсонни ўз кучига, салоҳиятига ишонтир-да, ундан мўъжизалар кутар» деган экан файласуфлардан бири. Айни кунда беш юзга яқин йилит-қиз тахсил олаётган ушбу ўқув масканидаги ёшлар буюк боболар номига мос, уларнинг ҳақиқий ворислари бўлиб камолга етмоқдалар. **Мўйдинжон СОБИТОВ**

Суратларда: кутубхоначи Чаросхон Эргашева; математика фанидан вилоят олимпиадаси ғолиби, 9-синф ўқувчиси Лазизбек Сиддиқов; математика ўқитувчиси Аскарали Имомов компьютерда машқ ечишни ўргатмоқда. **Солижон ОРТИҚОВ олган суратлар**

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!
Kimoshdi savdolari agentligi va «Respublika ko'chmas mulk birjasi»ning Toshkent shahar bo'limi mas'uliyati cheklangan jamiyati
Хайфанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларини ўтказиши.
Биржа савдоларига қўйиладиган объект қўйиладиган:
Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, 15-даҳа, 40-ўй манзилларида жойлашган «MU-Do'stlik» маданият уйи. Бошланғич нархи — 15 763 400 сўм.
Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳар, Шаҳхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-ўй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.



САМАРҚАНД СПОРТ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Шу йилнинг июнь ойида ўтказилиши кутилаётган талаба-спортчиларнинг «Универсиада — 2004» спорт байрамига қизгин ҳозирлик кўриляпти. Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг ҳажжони тобора ошмоқда. Бугун Самарқанд катта тўйга тайёргарлик кўраётган хонадонга ўхшайди.

Мухбиримиз «Универсиада — 2004» спорт мусобақаларини ўтказиш маркази раҳбари Шухрат ДЕҲҚОНОВ билан суҳбатлади.

— Шухрат ака, аввало спорт мусобақаларининг қайси ҳудудларда ўтказилиши ҳақида тўхталсангиз?

— «Универсиада — 2004» беллашувда спортнинг 12 тури бўйича баҳслар бўлиб ўтади. Асосий мусобақалар Самарқанд шаҳрида, футбол бўйича гуруҳлар ўртасидаги беллашувлар Булунгур туманидаги Қишлоқ ҳўжалиги коллежи, Жомбў туманидаги Иқтисодий касб-хўнар колле-

жи ҳамда Тойлоқ туман марказий спорт мажмуасида ўтказилиши кўзда тутилган. Ўғил болалар ўртасидаги баскетбол ва волейбол мусобақалари Самарқанд давлат университетининг спорт мажмуасида, теннис беллашувлари «Динамо» теннис кортида, енгил атлетикачилар янги қуриб ишга туширилаётган Даҳбед кўчасидаги спорт мажмуасида, голиблик учун курашсалар, сузиш мусобақалари ҳажон

андозаларига мос «Дельфин» сузиш ҳавасида ўтказилади. Ҳозир юқорида номлари қайд этилган жойларда спортчи талабаларни кўтиб олишга доир ташкилий ишлар ниҳоясига етмоқда.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Самарқанд қадимийлиги билан, бир бирини такрорламас осори-атиқалари билан дунё халқлари эътиборига тушган юрт. Мусобақа иштирокчилари ҳамда меҳмонлар шахримиз тарихи, меъморий обидалари билан ҳам танишдилар.

— Универсиадада қанча талаба-спортчи иштирок этади ва уларга қандай шароит яратилапти?

— Шу кунга қадар олинган маълумотларга кўра, 3200 спортчининг Самарқандга ташириш буюриши кутилмоқда. Уларни барча қўлайликларга эга ётоқхоналар билан таъминлаш масаласи ҳал этилган.

Самарқанд давлат университетининг 540 ўринли, 2 та ётоқхонаси, Савдо тижорат касб-хўнар коллежининг 400 ўринли, Темирйўл касб-хўнар коллежининг 220 ўринли, СамДУ 1-сон академик лицейининг 210 ўринли ётоқхонаси ҳамда 410 киши-



да туради-я. Чет элдан келган сайёҳлар халқ усталари маҳсулотлари: миллий пичоқлар, қўзалар, бешиклар, сопол товоқлар каби амалий санъатимизнинг яратилиш жараёнини кузатишлари, сотиб олишлари, шунингдек, фольклор дасталари чиқишларини томоша қилишлари учун қўлай имкон яратиларди...

— Авваллари Эски шаҳар ҳудудида ҳар бир хўнарманднинг алоҳида растаси бўлган, — сўзга қўшилди темирчи Аб-

Муаммо, мулоҳаза

Буюк ипак йўлида жойлашган кўна Андижон асрлар давомида ўзининг ёгочга ишлов берувчи уймакор усталари, заргарлари, қосиблари, қуллолари, мисгарлари, новвойлари билан машҳур. Шаҳардаги хўнармандлар растаси бир неча аср аввал дастлаб маҳалла тарзида ташкил топиб, унда миллий пичоқлар, бешиклар, нақшдор эшиклар ва бошқа хўнармандчилик маҳсулотлари тайёрланган.

Очғи, уларни Хитойдан келтирилган сифатсиз маҳсулотлар билан тўла пештахталар ёнига олиб боришга тортиндик. «Ўзбекфильм» киностудияси ижодий жамоаси юртимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Эъзоз» номли бадий фильми ҳам айнан мана шу ерда олганларида хорижий маҳсулотларни кинокамерадан яшириб туришга

тиклаш, ёш йигит-қизлардан тажрибали усталар тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. Қишлоқ ва туманлардан, маҳаллалардан қўли гул усталар топилиб, ўқув мактаблари ташкил қилинмоқда. Масалан, заргар Қодиржон Позиллов ўз устахонасида ёшларга миллий тақинчоқлар тайёрлашни ўргатишда... Лекин, айни пайтда хўнармандчиликнинг баъзи турлари йўқолиб бораётгани ачинарли. Мана, оддий мисгарликни олинг. Бу касб охирига пайтлар-

АНДИЖОНЛИК ҲУНАРМАНДЛАР РАСТАСИ



ЭКИ МИЛЛИЙ МЕРОС — ОСМОН ОСТИДАГИ МОЗИЙҒОҲ ҲАҚИДА

тўғри келди... Демокриманки, расталарда хорижнинг айрим «усту ялтироқ ичи қалтироқ матоҳ»ларидан кўра ўз миллий хўнармандчилик буюмларимиз кўпроқ ўрин оласа... Бунинг учун ўзига хос музейдек шакланган расталаримиз кенгайтиши ва улардан хўнарманд сулолаларга кенроқ саҳнада жой ажратилса, қани эди...

— 1981 йил мазкур «Темирчилик» растаси очик ҳаводаги этнографик музей ҳудудига айлантирилиб, у сайёҳлик йўналиши таркибига киритилди, — дейди Заҳириддин Мухаммад Бобур номли вилоят адабиёт ва тарих музейи директори ўринбосари Дилшодбек Юсупов. — Лекин эътибор камроқ бўлди. Уни ривожлантириш керак эди... Ахир халқро туризм орқали келадиган даромад нефть савдосидан сўнг дунёда иккинчи ўрин-

да деярли йўқ бўлиб кетаёзди. Янги бозор атрофида эса мисдан тайёрланган эски уй буюмлари хорижликлар томонидан антиквар буюмлар сифатида қўлма-қўл харид қилинмоқда. Эрта бир кун улар ҳам сотилиб кетилган, ўзимизга нима қолади? Демак, мисгарлик ва мисгар сулолаларини қадар риоя қилинган-у кейинчалик шўролар тузуми хусусий мулк эгаларини қўл меҳнати билан яқна тартибда фаолият кўрсатишларини ман этди. Хўнармандлари завод ва фабрикаларда ишлашга мажбур этилган. Ташкил этилган халқ бадий хўнармандчилик корхоналари эса ҳақиқий миллий хўнармандларнинг жалб қила олмаган.

Тўғри, Андижон вилоят хўнармандлар уюшмаси ташаббуси билан унутилиб кетаёзган миллий хўнармандчиликни да деярли йўқ бўлиб кетаёзди. Янги бозор атрофида эса мисдан тайёрланган эски уй буюмлари хорижликлар томонидан антиквар буюмлар сифатида қўлма-қўл харид қилинмоқда. Эрта бир кун улар ҳам сотилиб кетилган, ўзимизга нима қолади? Демак, мисгарлик ва мисгар сулолаларини қадар риоя қилинган-у кейинчалик шўролар тузуми хусусий мулк эгаларини қўл меҳнати билан яқна тартибда фаолият кўрсатишларини ман этди. Хўнармандлари завод ва фабрикаларда ишлашга мажбур этилган. Ташкил этилган халқ бадий хўнармандчилик корхоналари эса ҳақиқий миллий хўнармандларнинг жалб қила олмаган.

Утган йил баҳорда бир ҳам-қасбимизни чет мамлакатда ўтадиган халқро семинарга қузатаётимиз, Андижондан эсдалик сифатида қандай буюмлар олиб бориш мақсадаги мувофиқлиги ҳақида ўйлаб қолдик. Устозларимиздан бири маслаҳат берди:

— Хорижа юртимиз маданияти, санъати ва хўнармандчилигини намойиш этадиган буюмлар олиб борганингиз маъқул. Яхшики, шахрихонлик усталар тайёрлаган пичоқлардан олинг. Бунинг учун Шаҳрихонга бориб юришингиз ҳам шарт эмас. Андижоннинг темирчилик растасидан дидингизга ёққанини олаверинг. Йўлга эса обидон маъқул, ҳамроҳ бўлади...

Яқинда растада бўлиб, хўнармандларнинг биридан сўрадик. — Орангизда ким моҳир уста? — Ким бўларди, уста Мухторжон-да!

...Мухторжон саккиз ёшида ота-онасидан етим қолди. Темирчи тоғаси унинг ўзи ва ака ҳамда синглисини қарамоғига олди. 15 ёшида темирчилик билан мушкул шуғуллана бошлади. Уйланди, уйли-жойли бўлди. 1949 йил Тошкентда маляка ошириб қайтди. 1963-1990 йилларда мазкур темирчилик растасини бошқарди.

— Ушанда бу ерда 127 нафар уста ишларди, — ҳикоя қилади у. — Икки нафари мисгар бўлиб, қолганлари темирчилик, чилангарлик, чархловчилик, пайвандчилик билан банд эдилар. Мен уларни хомашиб билан таъминлардим... Уларнинг номлари нафақат Андижонда, анча узоқларда ҳам машҳур эди: Заргар Қодиржон Позиллов, темирчи Турғунбой Болтабоев... ҳаммаси устоздалар сулоласидан эди...


Мушкулликдан сўнг Мухторжон Қодиров сулола аънасанини давом эттиришга ҳазми қилиб, устахона очишга муяссар бўлди. Хусусийлаштириб олди. Ҳозир унда 15 нафар уста ва 15 нафар шогирд меҳнат қилади. Ўғиллари Аҳмадхон ва Абдумажид ҳам улар сафидан. — Ҳаммаси яшилди, — дейди «Хўнарманд» вилоят ассоциацияси раиси Маммураҳон Юсупов, — аммо бир муаммо бўр: Яқинда расталарга хориж-

Когон туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалигига Расул Ашуров раис бўлиб келди-ю, ишни ҳўжалик марказидаги Саёзпён қишлоғида футбол, волейбол, баскетбол майдончаларини ташкил этишдан бошлади. Фойдаланилмай келинаётган эски бинони таъмирлаб, бокс залига айлантирди.

— Ҳозир бу ерда, — дейди мураббий Учқун Ашуров — ўттизга яқин бола бокс билан шуғулланмоқда. Ҳамма шароит борлиги боис боксга қизиқувчилар сони ортиб борапти. Қишлоқда бундай имкониятлар яратилиши, албатта, бўлажак боксчилардан ҳақиқий чемпионлар етишиб чиқишига замин бўлиб хизмат қилиши шўбҳасиздир.

— Ҳўжалик ҳудудида 4631 нафар аҳоли яшайди, — дейди 51-сонли милиция таянч пункти профилактика ноэри Ерқун Раҳмонов. — Ёшлар спорт билан машғул бўлишлари натижасида жиноятчилик кескин камайди. 13 та қишлоқнинг аксариятида спорт-соғломлаштириш майдончалари ташкил этилмоқда.

Бухоро туманидаги «Маданият» ҳиссдорлик жамияти машҳур ҳўжалиқдир. Бу ерда пахта, дон ҳосилдорлиги юқори бўлибгина қолмай, балки турмуш маданияти раҳбарлари фаолиятдан ҳамма мамнун. Аммо, раҳбарлар ора-



Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

РАҲБАР ИШҚИБОЗ БЎЛСА, МУАММОГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

ундан ибрат олмақда. Мингдан зиёд болалар, ўсмирлар, катталар спортнинг қўллаб турлари билан машғул. «Маданият» бугун ўзининг полвонлари билан фахрланади. Ўнлаб мамлакат чемпиони, эллидан зиёд спорт устаси етишиб чиққан бу ердан.

— Спорт ҳам соғлиққа, ҳам меҳнатга барака киритади, — дейди ҳўжалик раҳбари Мухаммад Аҳмедов. — Шунинг билан спорт иншоотлари сонини кўпайтиряптимиз. Бугун марказдан ташқари ҳар бир қишлоқ ўз спорт майдонига эга. Бултур 2 та теннис кортини ишга туширган бўлсак, эрта-индин ёпиқ спорт манежини ҳам фойдаланишга топширамоқчимиз. Ўзим илгари курашчи эдим. Ҳозир катта теннис билан шуғулланаман.

Ха, бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. «Бухоро телеком», «Геофизика» ҳиссдорлик жамиятлари раҳбарлари фаолиятдан ҳамма мамнун. Аммо, раҳбарлар ора-

Болалар спорти

сида спортни унча ҳўшламайдиганлар ҳам топилади. Шунчаликка бориб етдики, баъзи раҳбарлар бор ўйингоҳларни ҳам йўқотдилар, қаровсиз ҳолга олиб келдилар. Ғиждувон туманидаги «Оқ олтин» ширкат ҳўжалигидеги бир пайтлар ҳашар йўли билан қурилган стадиондан бугун ном-нишон ҳам қолмади. С.Жабборов номли ширкат ҳўжалигидеги стадионнинг ўриндиқлари талон-торож қилинган. Вобистен, Когон туманларида қурилиши лозим бўлган спорт иншоотлари ҳамон пайсалга солиняпти. «Бухоро телеком», «Нигора» ҳиссдорлик жамиятларидаги спорт иншоотларининг қаровсиз ҳолга келиб қолганлиги кишини ташвишлантиради. Шофиркон туманидаги қўлгина қишлоқларда аҳоли зич яшаса-да, уларни спортга жалб этишнинг имкониятлари изланмаяпти. Холбуки, бум-бўш ва қаровсиз клублар, оимборхона-ю йирик бинолар беҳисоб.

Гапнинг сирасини айтидиган бўлсак, кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Ҳар бир раҳбар бугунги авлод камолоти учун хизмат қиладиган спорт иншооти бунёд этса ёки ҳеч бўлмаганда ҳафтада бир марта спорт залида кўришни берса, у ўзининг ибрати билан спортсеварлар сафини оширган, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳисса қўшган бўларди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Интер-спорт

ЖОНС НОКАУТГА УЧРАДИ



Лас-Вегас шаҳрида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган жанда ярим оғир вазни Антонио Тарвер таниқли Рой Жонсни нокаутга учратди. Учрашувнинг иккинчи раундида Тарвернинг қўли зарби туфайли Рой Жонс кутилмаганда йиқилди. Ҳакам Жей Нейди ҳисобни еттигата етказганда, Жонс ўрнидан турди-ю яна йиқилди. Шундай қилиб ҳакам Тарвернинг қўлини кўтарди. Умуман олганда Рой учрашувни кўтаринки руҳда бошлаган эди. Иккинчи раундга борганда эса хатога йўл қўйиб, имкониятини бой берди.

Эслатамиз, ўтган йилнинг ноябрида Тарвер Жонсга ютказганда, албатта ҳисобни тенглаштирмаган, деганди. У ниятига етди. Тарверни ютсам Кличколардан бири билан жанг қиламан, деган Жонс эса мағлубият аламини тортди.

БАДЖОНИНГ СЎНГИ ҲАҚИ

«Брешиа» — «Милан» (2:4) учрашувидан кейин таниқли ярим ҳимоячи Роберто Баджо катта футбол билан хайрлашмоқчи эканини яшириб ўтирмади. Айни пайтда у Португалияда ўтказилган Европа чемпионатида иштирок этиш нияти борлигини ҳам эътироф этмоқда. «Бундай ҳулосага келишимиз, — дейди Баджо. — 1994 йили АКШда ўтказилган жаҳон чемпионати учрашувидан кейин бажарилган туркум пенальтиларни теппинчи ўринлатолмаганим сабаб бўлса керак». Тўғриси, Баджо ўшандаёқ футбол билан хайрлашмоқчи бўлган яна уйлаб қолиб, 9 йил тўп сурган.

Санъат оламида

«КОРЕЯ ФАНТАЗИЯСИ»

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 27 ва 28 май кунлари ўтадиган Корея Республикаси Давлат рақс ансамблининг чиқишлари ана шундай номланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадини кўзлаган ушбу концертлар Корея Республикаси Маданият ва туризм, Ҳўкумат ахбороти вазирликлари ҳамда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкилланган.

Рақс ансамблининг фаолияти 1962 йилда бошланган. Ўтган давр мобайнида жамоа олти мис мамлакатда беш юздан ортиқ концерт берган. Бизнинг юртимизга илк бор ташириб буюрмоқдалар. Ўзбек санъат шайдолига намойиш этиладиган ва «Корея фантазияси» деб номланган концерт дастури ижодий жамоа репертуаридаги ўн битта сара асарнинг муҳим қўриқларини ўзи ичига олади. Айтиш керакки, Корея аънавий рақси ўзида босиқлик ва ҳаракатлар жўшқинлигини бирлаштирган ҳолда халқнинг қалби ва миллий характерини ажойиб тарзда ифодалайди. Демак, ўзбек томошабинлари ҳам Корея маданияти ва корей аънавий рақс оламидан баҳраманд бўладилар.

Корея Республикаси Давлат рақс ансамблининг гастроллари Ўзбекистондан сўнг Россия Федерацияси ва Қозғистон Республикасида ўтказилиши режалаштирилган.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

Ўқиматли сўзлар МАЪНОСИ

ОЛТИН ЧИРИМАС, ДАЪВО ҚАРИМАС

Буни: «Даъво қаримайди, яъни сира ҳам эскирмайди. Орадани кўп йиллар ўтиб кетса ҳам, даъвогарнинг сенга ўз даъвосини пеш қилади, гина-қудуратини кўзгайди, сенга ўтиб қолган ҳақини қайтаришингни талаб қилиб туриб олади. Шундай экан, авваламбор даъво-ҳанжалларга сабабчи бўладиган иш, хатти-ҳаракат, гап-сўз қилма», деган маънода қўллайдилар.

ОНА ЕСА, БОЛАГА СУТ БЎЛАДИ

«Эмизлик хотиннинг иштаҳаси зўр бўлар» деган мақол ҳам бор. Одатда эмизлик хотиннинг истаган, кўнгли тусган овқатини топиб беришга ҳаракат қиладилар. Халқимизда ҳатто шундай қадимий одат ҳам борки, қўшнилари бирор тансиқ таом пиширсалар, шундан озгина бўлса ҳам эмизлик хотин билган қўшиникинига узатадилар. «...Она овқатланмасдан олган, нахорга эмизмаслиги керак... Эмизувчининг овқатини яхшилаш керак». (Ибн Сино, Тиб қўнунлари).

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «РИШТОН ТЕКС»

извещает акционеров о проведении внеочередного собрания акционеров ОАО «Риштон Текс» 21 мая 2004 года.

Повестка дня: 1. Об утверждении решения Наблюдательного Совета «О досрочном прекращении полномочий исполнительного органа ОАО «Риштон текс». 2. О прекращении закрытой подписки на размещение акций. 3. Об уменьшении Уставного фонда ОАО «Риштон текс». 4. О составе Наблюдательного Совета ОАО «Риштон текс». Собрание состоится 21 мая в 15.00 в здании заводоуправления ОАО «Риштон текс» по адресу: г.Риштан, улица Тухтамчи 7. Наблюдательный Совет ОАО «Риштон текс»

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla OROPOV Asliddin RUSTAMOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobol SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey OROV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Abdug'ani MAMASIDIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGISHI:
BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifati 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUHBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Naybatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxorasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma ta'boq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 662
10315 nusxada bosildi
t — Tижорат materiali
Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.30 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA